XALQ DEPUTATLARI ANDIJON VILOYATI KENGASHINING Q A R O R I

Andijon shahar, Abdurauf Fitrat ko`chasi 239-uy

2022 - yil 31 - dekabr VI-45-227-1-0-K/22 Andijon viloyati hokimligi

2023 йил учун Андижон вилоятининг маҳаллий бюджетини тасдиқлаш тўғрисида

Ўзбекистон Республикасининг “2023 йил учун Ўзбекистон Республикасининг Давлат бюджети тўғрисида”ги 2022 йил 30 декабрдаги ЎРҚ-813-сон Қонуни, Бюджет кодексининг 27-, 99-моддаларига мувофиқ ҳамда Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлигининг 2022 йил 29 декабрдаги 01/20-32/1016-сонли хатини инобатга олиб, “Маҳаллий давлат ҳокимияти тўғрисида”ги Қонунининг 6-, 24-моддаларига асосан халқ депутатлари Андижон вилояти Кенгаши

Қ А Р О Р Қ И Л А Д И:

1. Ўзбекистон Республикасининг “2023 йил учун Ўзбекистон Республикасининг Давлат бюджети тўғрисида”ги ЎРҚ-813-сонли Қонуни ижро ва раҳбарлик учун қабул қилинсин.

2. Ўзбекистон Республикасининг “2023 йил учун Ўзбекистон Республикасининг Давлат бюджети тўғрисида” 2022 йил 30 декабрдаги ЎРҚ-813-сон Қонунига (кейинги ўринларда Қонун деб аталади) мувофиқ, Андижон вилояти маҳаллий бюджетининг 2023 йил учун даромадлари 3802,7 млрд.сўм, харажатлари 6608,2 млрд.сўм прогноз қилинганлиги ҳамда республика бюджетидан ажратиладиган тартибга солувчи бюджетлараро трансфертлар 2805,5 млрд.сўм миқдорида тасдиқланганлиги маълумот учун қабул қилинсин.

3. 2023 йил учун Андижон вилоятини ривожлантиришнинг асосий макроиқтисодий кўрсаткичлари прогнози ҳамда 2024-2025 йилларга мақсадли мўлжаллари 1-иловага мувофиқ, 2023 йил учун вилоятнинг вилоят бюджети даромадлари прогнози 2-иловага мувофиқ маълумот учун қабул қилинсин.

4. 2023 йил учун вилоятнинг вилоят бюджетидан ҳудудий бюджет маблағларини тақсимловчиларга ажратиладиган маблағларнинг чекланган миқдорлари 3-иловага мувофиқ тасдиқлансин.

5. 2023 йил учун туманлар ва шаҳарлар бюджетларига умумдавлат солиқларидан ажратмалар нормативлари 4-иловага мувофиқ тасдиқлансин.

Бунда, ажратмалар нормативлари бўйича вилоят маҳаллий бюджети билан туманлар ва шаҳарлар маҳаллий бюджетларининг тақсимотини ўрнатилган тартибда

Андижон вилояти бўйича Ғазначилик бошқармаси томонидан амалга оширилиши белгилаб қўйилсин.

6. 2023 йил учун туманлар ва шаҳарлар маҳаллий бюджетларининг даромадлари ва харажатларининг прогнози 5-иловага мувофиқ маълумот учун қабул қилинсин.

7. 2023 йил учун вилоятнинг вилоят бюджетидан туманлар ва шаҳарлар маҳаллий бюджетларига ажратиладиган тартибга солувчи бюджетлараро трансфертлар миқдорлари 6-иловага мувофиқ тасдиқлансин.

Бунда, тартибга солувчи бюджетлараро трансфертлар миқдорини туманлар ва шаҳарлар маҳаллий бюджетлари даромадлари прогнози ижросидан қатъий назар камайтиришга йўл қўйилмаслиги Қонунда белгилаб қўйилганлиги маълумот учун қабул қилинсин.

8. 2023 йил учун вилоятнинг вилоят бюджети захира жамғармаси ҳажмлари 22,7 млрд. сўм миқдорида белгилансин.

Туманлар ва шаҳарлар бюджетларининг 2023 йил учун захира жамғармалари тегишли бюджетлар тасдиқланган умумий харажатларининг (бундан туманлар ва шаҳарлар бюджетлари жамоатчилик фикри асосида шакллантириладиган тадбирларни молиялаштириш маблағлари мустасно) камида 1,0 фоизи миқдорида шакллантирилсин.

Вилоятнинг вилоят бюджети, туманлар ва шаҳарлар бюджетларини ижро этишда юқори турувчи бюджетдан уларга ажратиладиган бюджетлараро трансфертлар миқдори ошган ҳолларда тегишли бюджетлар захира жамғармаларининг белгиланган миқдорлари қайта кўриб чиқилмайди.

Вилоят бюджетининг захира жамғармасидан туманлар ва шаҳарлар бюджетларига маблағлар ажратилган тақдирда ушбу Қарорга ўзгартиришлар киритилмайди.

9. 2023 йилда солиқларнинг қуйидаги турлари:

а) туманлар ва шаҳарлар маҳаллий бюджетларига тўлиқ ҳажмда ўтказилади:

жисмоний шахслардан олинадиган мол-мулк солиғи;

жисмоний шахслардан олинадиган ер солиғи;

жисмоний шахсларга тегишли мол-мулкни ижарага беришдан оладиган йиллик даромад тўғрисидаги декларацияга асосида тўланадиган солиқ, шунингдек якка тартибдаги тадбиркорлар тўлайдиган жисмоний шахслардан олинадиган даромад солиғи;

сув ресурсларидан фойдаланганлик учун солиқ, бундан электр станциялари томонидан тўланадиган солиқ мустасно;

норуда қурилиш материаллари бўйича ер қаъридан фойдаланганлик учун солиқ;

давлат мулкини ижарага беришдан тушумлар;

айланмадан олинадиган солиқ.

мобил алоқа хизматлари, тамаки ва алкоголь маҳсулотлари, шу жумладан пиво учун акциз солиғи бўйича тушумлар 2022 йилнинг 1 июль ҳолатига кўра туманлар ва шаҳарлар аҳолиси сонининг вилоят аҳолиси сонидаги улушига мувофиқ.

б) вилоятнинг вилоят бюджетига тўлиқ ҳажмда ўтказилади:

фойда солиғидан тушумлар (Ўзбекистон Республикаси Президентининг қарори билан тасдиқланадиган рўйхатга мувофиқ йирик солиқ тўловчилар, Ўзбекистон Республикасида доимий фаолият олиб борувчи муассаса орқали фаолият юритувчи

Ўзбекистон Республикаси норезидентлари томонидан, шунингдек норезидентларнинг тўлов манбаида ушлаб қолинадиган даромадларидан тўланадиган фойда солиғидан ташқари);

электр станциялари томонидан тўланадиган сув ресурсларидан фойдаланганлик учун солиқ;

бензинни, дизель ёқилғисини ва газни якуний истеъмолчиларга реализация қилишдаги акциз солиғи;

қонунчиликда белгиланган миқдорлардаги давлат божлари (патент божларидан ва лицензиялар берганлик учун давлат божларидан ташқари);

қонунчиликда белгиланган миқдорларда Ўзбекистон Республикасининг Давлат бюджетига ундириладиган жарималар;

айрим турдаги товарларнинг чакана савдосига доир ҳуқуқ учун йиғимлар;

қонунчиликда белгиланган миқдорларда Ўзбекистон Республикасининг Давлат бюджетига ундириладиган бошқа йиғимлар (божхона органлари томонидан ундириладиган йиғимлардан, ғилдиракли транспорт воситалари, ўзиюрар машиналар ва уларнинг тиркамалари учун ундириладиган утилизация йиғимидан, шунингдек автотранспорт воситалари ойналарининг тусини ўзгартиришга (қорайтиришга) рухсатнома бериш учун тўловдан ташқари);

қонунчиликда давлат даромадига ўтказилган мол-мулкни реализация қилишдан вилоятлар маҳаллий бюджетларига ўтказилиши белгиланган тушумлар ҳамда маҳаллий давлат ҳокимияти органларининг улуши бўйича дивидендлар (даромадлар) ва ажратмалар.

в) туманлар ва шаҳарлар маҳаллий бюджетларига қуйидаги улушларда:

юридик шахсларнинг мол-мулкига солинадиган солиқнинг 50 фоизи;

юридик шахслардан олинадиган ер солиғининг 50 фоизи;

давлат активларини жойлаштиришдан ва сотишдан қонунчиликда белгиланган нормативлар бўйича олинган даромадларнинг 50 фоизи;

жисмоний шахслардан олинадиган даромад солиғидан тушумларнинг (жисмоний шахслар мол-мулкини ижарага беришдан оладиган йиллик даромади тўғрисидаги декларацияга асосан тўлайдиган, шунингдек якка тартибдаги тадбиркорлар тўлайдиган жисмоний шахслардан олинадиган даромад солиғидан ташқари) 25 фоизи (Жалақудуқ туманидан ташқари) ўтказилади.

10. Вилоят ҳокимининг биринчи ўринбосари Д.Каримов, вилоят молия бош бошқармаси (С.Рахманов), вилоят давлат солиқ бошқармаси (Р.Насимов) туманлар ва шаҳарлар ҳокимликлари, масъул бошқарма ва ташкилотлар билан биргаликда:

тегишли бюджетларни биринчи навбатда иш ҳақи ва унга тенглаштирилган тўловлар, озиқ-овқат, дори-дармон ва коммунал хизматлар харажатлари режалаштирилишини назарда тутган ҳолда шакллантириш;

маҳаллий бюджетлар прогноз кўрсаткичларини ўз вақтида ва сифатли бажариш;

бюджет маблағларидан мақсадли ва самарали фойдаланиш;

бюджет интизомига риоя этилиши устидан назорат ва масъулиятни янада кучайтириш;

тегишли маҳаллий бюджетларга солиқлар ва бошқа мажбурий тўловларнинг тўлиқ тушумини таъминлаш;

бюджет даромадлари базасини ошириш ва қўшимча резервларни аниқлаш зарурлигига алоҳида эътибор қаратсин.

11. Вилоят давлат солиқ бошқармаси (Р.Насимов) ҳудудий солиқ органлари билан биргаликда Ўзбекистон Республикаси Солиқ кодексида белгиланган ваколатларидан келиб чиқиб:

солиқларнинг тўлиқ ва тўғри ҳисобланишини ҳамда ушбу солиқларни ўз вақтида бюджетга ундирилиши устидан солиқ назоратини кучайтириш;

ер солиғи, сув ресурсларидан фойдаланганлик учун солиқ ва мол-мулк солиқлари бўйича доимий таҳлиллар ўтказган ҳолда, солиқларни тўлиқ ҳисобланишини таъминлаш ҳамда ушбу солиқ тўловлари бўйича солиқ қарздорлигига йўл қўймаслик чораларини кўриш;

айланмадан солиқ тури бўйича солиқ тўловчилар томонидан нақд пул айланмаларининг солиқ ҳисоботларида тўлиқ акс эттирилиши устидан доимий солиқ назоратини ўрнатиш ҳамда зарур ҳолларда хронометраж ва камерал солиқ назорати тадбирларини ўтказиш;

Бунда, мазкур йўналишда жамоатчилик назоратини кучайтириш мақсадида фуқароларга харид чекини талаб қилиб олишни тарғиб этувчи ижтимоий роликлар ҳамда видео материаллар тайёрлаб, ижтимоий тармоқлар ва оммавий ахборот воситаларида кенг тарғибот-ташвиқот ишларини олиб боришга алоҳида эътибор қаратиш;

Кадастр агентлиги вилоят бошқармаси (Ф.Бердиқулов) билан биргаликда хатлов ишларини самарали ташкил этиш орқали ер ва мол-мулк солиғининг солиқ базасини ошириш ҳамда вилоятда мавжуд солиқ тўловчиларнинг ер участкалари ва мол-мулклари майдонларини чуқур таҳлил этган ҳолда ушбу мол-мулкларга нисбатан солиқларни тўлиқ ва тўғри ҳисобланишини таъминласин.

12. Вилоят давлат солиқ бошқармаси (Р.Насимов), Кадастр агентлиги вилоят бошқармаси (Ф.Бердиқулов), Андижон вилояти экология ва атроф-муҳитни муҳофаза қилиш бошқармаси (А.Акбаров), “Саноатгеоконтехназорат” Давлат инспекцияси (Б.Алиев) туманлар ва шаҳарлар ҳокимликлари билан биргаликда:

норуда қурилиш материалларини қазиб олиш соҳасида ноқонуний фаолият олиб бораётган карьерларни аниқлаш бўйича хатловлар ўтказиш;

хатлов натижалари бўйича аниқланган ноқонуний фаолият олиб бораётган карьерлар фаолиятини қонунийлаштириш ҳамда уларни солиқ базасига қамраб олиш;

норуда қурилиш материалларини қазиб олиш соҳасида фаолият олиб бораётган карьерлар томонидан қазиб олинаётган норуда қурилиш материаллари ҳажмининг солиқ ҳисоботларида тўлиқ акс эттирилиши устидан доимий назорат ўрнатсин.

Бунда, ушбу соҳада фаолият олиб бораётган карьерларнинг қазиб олиш ҳажмларини доимий таҳлил қилиб бориш ҳамда зарур ҳолларда қазиб олиш ҳажмларини аниқлашда маҳаллий бюджетнинг қўшимча манбалари ҳисобидан “маркшейдрлик” хизматларидан фойдаланиш лозимлиги алоҳида белгилаб қўйилсин.

13. Мажбурий ижро бюроси Андижон вилоят бошқармаси (О.Салманов)га вилоят давлат солиқ бошқармаси (Р.Насимов) билан ҳамкорликда солиқлар ва бошқа мажбурий тўловлар бўйича мавжуд қарздорликларни бюджетга ундириш юзасидан тегишли чоралар кўриб борсин ҳамда чораклар якуни билан солиқ қарздорликларининг чорак бошига

нисбатан камайиб бориши бўйича барча комплекс чора-тадбирлар кўриш вазифаси юклатилсин.

14. Маҳалла ва нуронийларни қўллаб қувватлаш бошқармаси (М.Нишанов), туманлар ва шаҳарлар ҳокимликлари жисмоний шахсларнинг ер ва мол-мулк солиқлари бўйича жорий ҳисобланган солиқларни ҳамда ушбу солиқлардан мавжуд солиқ қарздорликларини ундириш юзасидан солиқ органларига амалий ёрдам кўрсатсин.

15. Давлат активларини бошқариш агентлиги Андижон вилоят ҳудудий бошқармаси (А.Алимжанов)га Бўш турган объектлардан самарали фойдаланишни ташкил этиш марказининг Андижон вилоят ҳудудий бошқармаси (Д.Мадрахимов) билан биргаликда:

бўш турган давлат мулки объектларини аниқлаш бўйича хатлов ишларини самарали ташкил этиш;

хатлов натижаларига кўра вилоятда мавжуд бўш турган давлат мулки объектлари рўйхатини шакллантириш;

шакллантирилган рўйхатга асосан бўш турган давлат мулки объектларини ижарага бериш ёки сотиш бўйича тегишли таклифлар тайёрлаш;

бўш турган давлат мулки объектларини ижарага бериш ёки сотиш бўйича ижтимоий тармоқлар ва оммавий ахборот воситаларида роликлар ва видео-материаллар тайёрлаш;

хусусийлаштирилиши мўлжалланган бўш турган давлат мулки объектларини «E-IJRO Auksion» электрон савдо майдончаси орқали сотиш ишларини ташкиллаштириш вазифаси юклатилсин.

16. Давлат активларини бошқариш агентлиги Андижон вилоят ҳудудий бошқармаси (А.Алимжанов), вилоят давлат солиқ бошқармаси (Р.Насимов), вилоят молия бош бошқармаси (С.Рахманов) давлат корхоналари ҳамда устав капиталида 50 фоиз ва ундан ортиқ миқдорда давлат улуши мавжуд бўлган юридик шахслар, шунингдек уларнинг таркибига кирувчи корхоналар томонидан 2023 йилнинг 1 июлига қадар 2022 йил якунлари бўйича ўз соф фойдасининг 50 фоизи миқдорида ажратмалар ва давлат улуши бўйича дивидендлар ҳисобланиши ҳамда 2023 йилнинг 1 сентябридан кечиктирмай тегишли даражадаги бюджетларга ўтказилишини таъминласин.

17. Монополияга қарши курашиш қўмитаси Андижон вилояти ҳудудий бошқармаси (У.Жўраев) туманлар ва шаҳарлар ҳокимликлари билан биргаликда ташқи реклама объектларини тўлиқ хатловдан ўтказган ҳолда, ушбу ташқи реклама объектлари бўйича шартномалар тузиш чораларини кўрсин ҳамда ушбу шартномалар бўйича йиғимларни бюджетга тўланиши устидан доимий назорат ўрнатсин.

18. Норин-Қорадарё ирригация тизимлари ҳавза бошқармаси (Х.Хамидов) ва вилоят давлат солиқ бошқармаси (Р.Насимов)га туманлар ва шаҳарлар ҳокимликлари билан биргаликда вилоятда суғоришга сарфланаётган сув ҳажмлари бўйича аниқ ҳисоб-китоблар юритган ҳолда мазкур истеъмол ҳажмлари бўйича сув ресурсларидан фойдаланганлик учун солиқларни тўлиқ ҳисобланишини ҳамда молия йили якунига қадар маҳаллий бюджетларга тўлиқ ундириб олиш вазифаси юклатилсин.

19. Вилоят ички ишлар бошқармаси (А.Рахматуллаев), вилоят йўл ҳаракати хавфсизлиги бошқармаси (Ш.Усмонов), вилоят адлия бошқармаси (О.Бозоров) ҳисобланган бож, жарима ва йиғимларни ўз вақтида ўрнатилган тартибда бюджетга ундириш чораларини кўриб борсин.

20. Давлат Молиявий назорати Андижон вилоят бошқармаси (Б.Қодиров) халқ

таълими, мактабгача таълим ва соғлиқни сақлаш бошқармаларининг ички аудит хизматлари билан биргаликда:

бюджет интизомига қатъий риоя этилиши устидан доимий мониторинг ишларини кучайтирсин;

бюджет интизомини бузиш ҳолатлари бўйича ҳар чорак якуни билан Кенгашга ахборот киритиб борсин;

ўтказилган назорат тадбирлари якуни бўйича камомад ва ноқонуний ўзлаштиришга йўл қўйган соҳа раҳбарларининг ҳисоботи ҳар чоракда эшитиб борилсин.

21. Кенгашнинг маҳаллий бюджет, иқтисодий ислоҳотларни амалга ошириш, инвестициялар ва тадбиркорликни ривожлантириш масалалари бўйича доимий комиссияси:

маҳаллий бюджетнинг қўшимча манбаларидан фойдаланиш тўғрисидаги ҳокимлик томонидан тақдим этилган таклифлари асосида бюджет қонунчилигига тўлиқ риоя этилган ҳолда Кенгаш қарор лойиҳасини ишлаб чиқиш;

Кенгаш қарори асосида маҳаллий бюджетнинг қўшимча манбалари ҳисобидан ажратилган маблағларни самарали ва мақсадли фойдаланилиши устидан назорат ўрнатиш ва натижалари бўйича тавсиялар бериш мақсадида мониторинг қилиш;

маҳаллий бюджет харажатларининг қонунчиликда белгиланган қисмининг жамоатчилик фикри асосида шакллантирилган тадбирларни молиялаштиришга йўналтирилишида иштирок этиш ва ушбу маблағларнинг мақсадли сарфланиши устидан назоратни амалга ошириб борсин.

22. Вилоят, туманлар ва шаҳарлар ҳокимлари:

туманлар ва шаҳарлар маҳаллий бюджетлари жами харажатларининг (бундан туманлар ва шаҳарлар бюджетлари захира жамғармаси маблағлари мустасно) 5 фоизи миқдорида, бироқ камида 6 миллиард сўм режалаштирилиши ҳамда шаклланган қўшимча маблағларининг камида 30 фоизини жамоатчилик фикри асосида шакллантириладиган тадбирларни молиялаштириш учун “Фуқаролар ташаббуси жамғармаси”га йўналтирсин.

Бунда, вилоят, туманлар ва шаҳарлар халқ депутатлари, Ёшлар ишлар агентлиги, туман (шаҳар)лар ҳокимликлари ҳузуридаги Жамоатчилик кенгашлари ҳамда янги жорий этилган ҳоким ёрдамчилари бюджет жараёнида фуқароларнинг фаол иштирокини таъминлаш мақсадида аҳолига кенг тарғибот-ташвиқот ишларини олиб боришга масъул этиб белгилансин;

маҳаллий бюджетларнинг қўшимча манбалари ҳисобидан харид қилинган товарлар ва хизматлар, қурилиш, реконструкция қилиш ва таъмирлаш ишлари олиб борилаётган объектлар рўйхати, шунингдек қурилиш-таъмирлаш ишларининг молиялаштирилиши тўғрисидаги маълумотлар ҳар чорак якунларига кўра, кейинги чорак биринчи ойининг 10 санасига қадар мажбурий тартибда тегишли ҳокимликларнинг расмий веб-сайтларига жойлаштириб борилсин.

23. Вилоят ҳокимининг биринчи ўринбосари Д.Каримов, халқ депутатлари вилояти Кенгаши котибияти, туманлар ва шаҳарлар ҳокимликлари, тегишли бошқарма бошлиқлари:

маҳаллий бюджетлар даромадлари ва харажатларининг прогноз кўрсаткичлари бажарилиши ҳамда солиқ базасини кенгайтириш юзасидан кўрилган чора-тадбирлар;

ажратилган бюджет маблағларидан мақсадли ва самарали фойдаланиши юзасидан эришилган натижалар бўйича Кенгашга бир чоракда камида бир маротаба ҳисобот

киритиб борсин.

24. Вилоят ҳокимининг матбуот котиби А.Хамидов мазкур қарорни “Андижоннома” ва “Андижанская правда” (Р.Эшонов) газеталарида расмий эълон қилинишини ҳамда вилоят ҳокимлигининг расмий веб-сайтига жойлаштирилишини таъминласин.

25. Ушбу қарор расмий эълон қилинган кундан бошлаб кучга киради.

26. Мазкур қарорнинг бажарилишини назорат қилиш халқ депутатлари вилоят Кенгашининг маҳаллий бюджетни шакллантириш ва ижро этиш, иқтисодий ислоҳотларни амалга ошириш ва тадбиркорликни ривожлантириш масалалари бўйича доимий комиссияси зиммасига юклатилсин.

Кенгаш раиси **Ш.Қ.Абдураҳманов**

Xalq deputatlari Andijon viloyat
Kengashining
2022 yil 31 dekabrdagi
VI-45-227-1-0-K/22-son qaroriga
1-ilova

2023 йил учун Андижон вилоятини ривожлантиришнинг асосий макроиқтисодий кўрсаткичлари прогнози ҳамда 2023-2024 йилларга мақсадли мўлжаллари

№	Кўрсаткичлар	2023 йил учун прогноз	Мақсадли мўлжаллар	
			2024 йил	2025 йил
1.	Ялпи ҳудудий маҳсулот, млрд.сўм	61 199,8	71 329,4	80 282,9
2.	Ялпи ҳудудий маҳсулотнинг ўсиш суръати, фоизда	105,1	107,1	107,3
3.	Истъемол нархлари индекси, аввалги йил декабрь ойига нисбатан, фоизда	10,1	9,7	9,1
4.	Саноат маҳсулотларининг ўсиш суръати, фоизда	107,7	107,9	108,0
5.	Қишлоқ, ўрмон ва балиқ хўжаликларида ишлаб чиқаришнинг ўсиш суръати, фоизда	103,5	103,3	103,4
6.	Чакана товар айланмасининг ўсиш суръати, фоизда	113,5	118,2	118,4

Xalq deputatlari Andijon viloyat
Kengashining
2022 yil 31 dekabrdagi
VI-45-227-1-0-K/22-son qaroriga
2-ilova

2023 йил учун Андижон вилоятининг вилоят бюджети даромадлари прогнози

минг сўмда

№	Кўрсаткичлар	Сумма
1	Фойда солиғи	276 736 000,0
2	Жисмоний шахслардан олинадиган даромад солиғи	1 151 894 500,0
3	Якуний истеъмолчиларга бензин, дизель ёқилғиси ва газ реализация қилишдаги акциз солиғи	293 701 000,0
4	Юридик шахсларнинг мол-мулкига солинадиган солиқ	42 908 500,0
5	Юридик шахслардан олинадиган ер солиғи	72 463 000,0
6	Давлат божлари	243 837 000,0
7	Жарималар	101 339 000,0
8	Давлат корхоналари соф фойдасидан даромадлар	156 000,0
9	Давлат мулкини хусусийлаштиришдан тушумлар	12 500 000,0
10	Йиғимлар	84 163 000,0
ЖАМИ		**2 279 698 000,0**
Республика бюджетидан ажратиладиган тартибга солувчи бюджетлараро трансфертлар		2 805 518 981,0
Ҳамма даромадлар		**5 085 216 981,0**

Xalq deputatlari Andijon viloyat
Kengashining
2022 yil 31 dekabrdagi
VI-45-227-1-0-K/22-son qaroriga
3-ilova

2023 йил учун Андижон вилоятининг вилоят бюджетидан ҳудудий бюджет маблағларини тақсимловчиларга ажратиладиган маблағларнинг чекланган миқдорлари

Т/р	Кўрсаткичлар	Миқдори *(минг сўмда)*
а	**Харажатлар миқдори, Жами**	**5 085 216 981,0**
	шу жумладан:	
	жорий харажатлар	**2 308 781 295,0**
	шаҳар ва туманлар бюджетлари тартибга солувчи бюджетлараро трансфертлар	**2 418 861 243,0**
	Давлат ташқи қарзларини сўндириш	**13 085 444,0**
	Адвокатлар хизмати	**1 950 000,0**
	Давлат органлари ёки ушбу органлар мансабдор шахсларнинг қонунга хилоф ҳаракатлари (ҳаракатсизлиги) натижасида фуқаролар ёки юридик шахсларга етказилган зарарни қоплаш харажатлари	**1 155 000,0**
	иссиқлик энергиясини ишлаб чиқарувчиларга аҳолига кўрсатилган иссиқлик таъминоти хизмати учун пасайтирилган тарифларни қўллаш натижасида юзага келадиган зарарни қоплаш харажатлари	**842 000,0**
	Кўп квартирали уйлардаги лифт ускуналарини таъмирлаш ва янгилаш харажатлари	**864 000,0**
	объектларни лойиҳалаштириш, қуриш (реконструкция қилиш) ва жиҳозлаш учун капитал қўйилмалар	**339 677 999,0**
1	**Мактабгача таълим бошқармаси**	**87 480 615,0**
	шу жумладан:	
	жорий харажатлар	15 734 836,0
	объектларни лойиҳалаштириш, қуриш (реконструкция қилиш) ва жиҳозлаш учун капитал қўйилмалар	71 745 779,0
2	**Халқ таълими бошқармаси**	**430 863 437,0**
	шу жумладан:	
	жорий харажатлар	301 075 317,0
	объектларни лойиҳалаштириш, қуриш (реконструкция қилиш) ва жиҳозлаш учун капитал қўйилмалар	129 788 120,0
3	**Президент таълим муассасалари агентлиги**	**91 320 148,0**
	шу жумладан:	
	жорий харажатлар	91 320 148,0
	объектларни лойиҳалаштириш, қуриш (реконструкция қилиш) ва жиҳозлаш учун капитал қўйилмалар	
4	**Касбий таълимни ривожлантириш ва мувофиқлаштириш бошқармаси**	**1 242 963,0**
	шу жумладан:	
	жорий харажатлар	1 242 963,0
	объектларни лойиҳалаштириш, қуриш (реконструкция қилиш) ва жиҳозлаш учун капитал қўйилмалар	
5	**Соғлиқни сақлаш бошқармаси**	**787 768 952,0**
	шу жумладан:	
	жорий харажатлар	711 156 352,0
	объектларни лойиҳалаштириш, қуриш (реконструкция қилиш) ва жиҳозлаш учун капитал қўйилмалар	76 612 600,0
6	**Маданият бошқармаси**	**12 425 094,0**
	шу жумладан:	
	жорий харажатлар	12 425 094,0
	объектларни лойиҳалаштириш, қуриш (реконструкция қилиш) ва жиҳозлаш учун капитал қўйилмалар	
7	**Жисмоний тарбия ва спорт бошқармаси**	**77 254 562,0**
	шу жумладан:	
	жорий харажатлар	77 254 562,0
	объектларни лойиҳалаштириш, қуриш (реконструкция қилиш) ва жиҳозлаш учун капитал қўйилмалар	
8	**Вилоят Маънавият ва маърифат маркази**	**3 204 241,0**
	шу жумладан:	
	жорий харажатлар	3 204 241,0
	объектларни лойиҳалаштириш, қуриш (реконструкция қилиш) ва жиҳозлаш учун капитал қўйилмалар	
9	**Уй-жой коммунал хизмат кўрсатиш бошқармаси**	**19 603 547,0**
	шу жумладан:	
	жорий харажатлар	12 663 547,0
	иссиқлик энергиясини ишлаб чиқарувчиларга аҳолига кўрсатилган иссиқлик таъминоти хизмати учун пасайтирилган тарифларни қўллаш натижасида юзага келадиган зарарни қоплаш харажатлари	842 000,0
	Кўп квартирали уйлардаги лифт ускуналарини таъмирлаш ва янгилаш харажатлари	864 000,0

	объектларни лойиҳалаштириш, қуриш (реконструкция қилиш) ва жиҳозлаш учун капитал қўйилмалар	5 234 000,0
10	**Қишлоқ хўжалиги бошқармаси**	**1 841 822,0**
	шу жумладан:	
	жорий харажатлар	1 841 822,0
	объектларни лойиҳалаштириш, қуриш (реконструкция қилиш) ва жиҳозлаш учун капитал қўйилмалар	
11	**Ўсимликлар карантини ҳудудий инспекцияси**	**12 418 844,0**
	шу жумладан:	
	жорий харажатлар	12 418 844,0
	объектларни лойиҳалаштириш, қуриш (реконструкция қилиш) ва жиҳозлаш учун капитал қўйилмалар	
12	**Тиббий-ижтимоий хизматлар агентлигининг**	**86 722 358,0**
	шу жумладан:	
	жорий харажатлар	86 722 358,0
	объектларни лойиҳалаштириш, қуриш (реконструкция қилиш) ва жиҳозлаш учун капитал қўйилмалар	
13	**Ирригация тизимлари ҳавза бошқармаси**	**371 281 897,0**
	шу жумладан:	
	жорий харажатлар	338 041 897,0
	объектларни лойиҳалаштириш, қуриш (реконструкция қилиш) ва жиҳозлаш учун капитал қўйилмалар	33 240 000,0
14	**Транспорт бошқармаси**	**3 447 558,0**
	шу жумладан:	
	жорий харажатлар	3 447 558,0
	объектларни лойиҳалаштириш, қуриш (реконструкция қилиш) ва жиҳозлаш учун капитал қўйилмалар	
15	**Пиллачилик ва қоракўлчиликни ривожлантириш қўмитасининг ҳудудий бўлимларини сақлаш харажатлари**	**166 994,0**
	шу жумладан:	
	жорий харажатлар	166 994,0
	объектларни лойиҳалаштириш, қуриш (реконструкция қилиш) ва жиҳозлаш учун капитал қўйилмалар	
16	**Экология ва атроф муҳитни ҳимоя қилиш бошқармаси**	**7 694 788,0**
	шу жумладан:	
	жорий харажатлар	7 694 788,0
	объектларни лойиҳалаштириш, қуриш (реконструкция қилиш) ва жиҳозлаш учун капитал қўйилмалар	
17	**Молия бош бошқармаси**	**2 440 344 762,0**
	шу жумладан:	
	жорий харажатлар	5 293 075,0
	Давлат ташқи қарзларини сўндириш	13 085 444,0
	Адвокатлар хизмати	1 950 000,0
	Давлат органлари ёки ушбу органлар мансабдор шахсларнинг қонунга хилоф ҳаракатлари (ҳаракатсизлиги) натижасида фуқаролар ёки юридик шахсларга етказилган заарни қоплаш харажатлари	1 155 000,0
	шаҳар ва туманлар бюджетлари тартибга солувчи бюджетлараро трансфертлар	2 418 861 243,0
	объектларни лойиҳалаштириш, қуриш (реконструкция қилиш) ва жиҳозлаш учун капитал қўйилмалар	
18	**Ғазначилик бошқармаси**	**12 403 010,0**
	шу жумладан:	
	жорий харажатлар	12 403 010,0
	объектларни лойиҳалаштириш, қуриш (реконструкция қилиш) ва жиҳозлаш учун капитал қўйилмалар	
19	**Пенсия жамғармасининг ҳудудий бошқармаси**	**25 595 052,0**
	шу жумладан:	
	жорий харажатлар	25 595 052,0
	объектларни лойиҳалаштириш, қуриш (реконструкция қилиш) ва жиҳозлаш учун капитал қўйилмалар	
20	**Туризмни ривожлантириш бошқармаси**	**5 417 916,0**
	шу жумладан:	
	жорий харажатлар	5 417 916,0
	объектларни лойиҳалаштириш, қуриш (реконструкция қилиш) ва жиҳозлаш учун капитал қўйилмалар	
21	**Ўрмон хўжалик бошқармаси**	**10 613 003,0**
	шу жумладан:	
	жорий харажатлар	10 613 003,0
	объектларни лойиҳалаштириш, қуриш (реконструкция қилиш) ва жиҳозлаш учун капитал қўйилмалар	
22	**Ветеринария ва чорвачиликни ривожлантириш бошқармаси**	**5 970 171,0**
	шу жумладан:	
	жорий харажатлар	5 970 171,0
	объектларни лойиҳалаштириш, қуриш (реконструкция қилиш) ва жиҳозлаш учун капитал қўйилмалар	
23	**Монополияга қарши курашиш бошқармаси**	**1 624 934,0**
	шу жумладан:	
	жорий харажатлар	1 624 934,0
	объектларни лойиҳалаштириш, қуриш (реконструкция қилиш) ва жиҳозлаш учун капитал қўйилмалар	

24	**Давлат активларини бошқариш агентлиги ҳудудий бошқармаси**	**1 686 101,0**
	шу жумладан:	
	жорий харажатлар	1 686 101,0
	объектларни лойиҳалаштириш, қуриш (реконструкция қилиш) ва жиҳозлаш учун капитал қўйилмалар	
25	**Бандлик ва меҳнат муносабатлари бош бошқармаси**	**1 842 146,0**
	шу жумладан:	
	жорий харажатлар	1 842 146,0
	объектларни лойиҳалаштириш, қуриш (реконструкция қилиш) ва жиҳозлаш учун капитал қўйилмалар	
26	**Қурилиш бошқармаси**	**2 701 991,0**
	шу жумладан:	
	жорий харажатлар	2 701 991,0
	объектларни лойиҳалаштириш, қуриш (реконструкция қилиш) ва жиҳозлаш учун капитал қўйилмалар	
27	**Инвеститциялар ва ташқи савдо бошқармаси**	**11 224 112,0**
	шу жумладан:	
	жорий харажатлар	11 224 112,0
	объектларни лойиҳалаштириш, қуриш (реконструкция қилиш) ва жиҳозлаш учун капитал қўйилмалар	
28	**Адлия бошқармаси**	**10 820 051,0**
	шу жумладан:	
	жорий харажатлар	10 820 051,0
	объектларни лойиҳалаштириш, қуриш (реконструкция қилиш) ва жиҳозлаш учун капитал қўйилмалар	
29	**Иқтисодий тараққиёт ва камбағалликни қисқартириш бошқармаси**	**15 226 846,0**
	шу жумладан:	
	жорий харажатлар	15 226 846,0
	объектларни лойиҳалаштириш, қуриш (реконструкция қилиш) ва жиҳозлаш учун капитал қўйилмалар	
30	**Ҳокимият**	**493 541 407,0**
	шу жумладан:	
	жорий харажатлар	470 483 907,0
	шу жумладан:	
	Президент мактабларини қуриш учун жалб этилган қарз маблағларини қайтариш харажатлари	50 000 000,0
	объектларни лойиҳалаштириш, қуриш (реконструкция қилиш) ва жиҳозлаш учун капитал қўйилмалар	23 057 500,0
31	**Кабуллар уйи**	**2 791 163,0**
	шу жумладан:	
	жорий харажатлар	2 791 163,0
	объектларни лойиҳалаштириш, қуриш (реконструкция қилиш) ва жиҳозлаш учун капитал қўйилмалар	
32	**Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш бошқармаси**	**3 818 046,0**
	шу жумладан:	
	жорий харажатлар	3 818 046,0
	объектларни лойиҳалаштириш, қуриш (реконструкция қилиш) ва жиҳозлаш учун капитал қўйилмалар	
33	**Халқ Депутатлари Кенгаши**	**4 517 383,0**
	шу жумладан:	
	жорий харажатлар	4 517 383,0
	объектларни лойиҳалаштириш, қуриш (реконструкция қилиш) ва жиҳозлаш учун капитал қўйилмалар	
34	**Маҳалла ва нуронийларни қўллаб-қувватлаш бошқармаси**	**2 672 132,0**
	шу жумладан:	
	жорий харажатлар	2 672 132,0
	объектларни лойиҳалаштириш, қуриш (реконструкция қилиш) ва жиҳозлаш учун капитал қўйилмалар	
35	**Ёшлар агентлиги ҳудудий бўлинмалари**	**3 717 984,0**
	шу жумладан:	
	жорий харажатлар	3 717 984,0
	объектларни лойиҳалаштириш, қуриш (реконструкция қилиш) ва жиҳозлаш учун капитал қўйилмалар	
36	**Хотин-қизлар бошқармаси**	**1 219 289,0**
	шу жумладан:	
	жорий харажатлар	1 219 289,0
	объектларни лойиҳалаштириш, қуриш (реконструкция қилиш) ва жиҳозлаш учун капитал қўйилмалар	
37	**Узбекистон Республикаси Кинематография агентлиги**	**239 643,0**
	шу жумладан:	
	жорий харажатлар	239 643,0
	объектларни лойиҳалаштириш, қуриш (реконструкция қилиш) ва жиҳозлаш учун капитал қўйилмалар	
38	**Агросаноат мажмуи устидан назорат қилиш инспециясининг ҳудудий бошқармаси**	**7 532 295,0**
	шу жумладан:	
	жорий харажатлар	7 532 295,0
	объектларни лойиҳалаштириш, қуриш (реконструкция қилиш) ва жиҳозлаш учун капитал қўйилмалар	
39	**Сайлов комиссиялари**	**62 876,0**

	шу жумладан:	
	жорий харажатлар	62 876,0
	объектларни лойиҳалаштириш, қуриш (реконструкция қилиш) ва жиҳозлаш учун капитал қўйилмалар	
40	**Давлат архиви бошқармаси**	**3 713 639,0**
	шу жумладан:	
	жорий харажатлар	3 713 639,0
	объектларни лойиҳалаштириш, қуриш (реконструкция қилиш) ва жиҳозлаш учун капитал қўйилмалар	
41	**Бошқа ташкилотлар**	**21 183 209,0**
	шу жумладан:	
	жорий харажатлар	21 183 209,0
	объектларни лойиҳалаштириш, қуриш (реконструкция қилиш) ва жиҳозлаш учун капитал қўйилмалар	

Xalq deputatlari Andijon viloyat
Kengashining
2022 yil 31 dekabrdagi
VI-45-227-1-0-K/22-son qaroriga
4-ilova

2023 йил учун умумдавлат солиқлари ва мажбурий тўловлардан шаҳарлар ва туманлар маҳаллий бюджетларига ажратмалар меъёри*

Фоиз ҳисобида

Т/Р	Шаҳар ва туманлар номи	Фойда солиғи	Айланма-дан олинадиган солиқ	Жисмоний шахслардан олинадиган даромад солиғи	Жисмоний шахсларга тегишли мол-мулкни ижарага беришдан оладиган йиллик даромад тўғрисидаги декларацияга асосида тўланадиган солиқ, шунингдек якка тартибдаги тадбиркорлар тўлайдиган жисмоний шахслардан олинадиган даромад солиғи	Жисмоний шахслардан олинадиган мол-мулк солиғи	Жисмоний шахслардан олинадиган ер солиғи	Сув ресурсларидан фойдаланганлик учун солиқ, бундан электр станциялари томонидан тўланадиган солиқ мустасно	Норуда қурилиш материаллари бўйича ер қаъридан фойдаланганлик учун солиқ	Бензинни, дизель ёқилғиси ва газни якуний истеъмолчиларга реализация қилишдаги акциз солиғи	Юридик шахсларнинг мол-мулкига солинадиган солиқ
1	Хонобод шаҳри	0	100	25	100	100	100	100	100	0	50
2	Андижон шаҳри	0	100	25	100	100	100	100	100	0	50
3	Андижон тумани	0	100	25	100	100	100	100	100	0	50
4	Балиқчи тумани	0	100	25	100	100	100	100	100	0	50
5	Бўстон тумани	0	100	25	100	100	100	100	100	0	50
6	Булоқбоши тумани	0	100	25	100	100	100	100	100	0	50
7	Жалақудуқ тумани	0	100	0	100	100	100	100	100	0	50
8	Избоскан тумани	0	100	25	100	100	100	100	100	0	50
9	Улуғнор тумани	0	100	25	100	100	100	100	100	0	50
10	Қўрғонтепа тумани	0	100	25	100	100	100	100	100	0	50
11	Асака тумани	0	100	25	100	100	100	100	100	0	50
12	Марҳамат тумани	0	100	25	100	100	100	100	100	0	50
13	Олтинкўл тумани	0	100	25	100	100	100	100	100	0	50
14	Шаҳрихон тумани	0	100	25	100	100	100	100	100	0	50
15	Пахтаобод тумани	0	100	25	100	100	100	100	100	0	50
16	Хўжаобод тумани	0	100	25	100	100	100	100	100	0	50

Т/Р	Шаҳар ва туманлар номи	Юридик шахслардан олинадиган ер солиғи	Йиғим-лар**	Давлат божлари**	Жарима-лар**	Маҳаллий давлат ҳокимияти органларининг улуши бўйича дивидендлар (даромадлар) ва ажратмалар	Давлат мулкини хусусийлаш-тиришдан олинган даромадлар	Ер участка-ларига бўлган ҳуқуқларни сотишдан тушган пул маблағлари	Давлат мулкини ижарага беришдан тушумлар	Бошқа (3450603, 3450721, 3450723, 3450725, 3450950, 3450951, 3511117, 3511700, 3710303 доромад кодлари бўйича) тушумлар
1	Хонобод шаҳри	50	0	0	0	0	50	50	100	100
2	Андижон шаҳри	50	0	0	0	0	50	50	100	100
3	Андижон тумани	50	0	0	0	0	50	50	100	100
4	Балиқчи тумани	50	0	0	0	0	50	50	100	100
5	Бўстон тумани	50	0	0	0	0	50	50	100	100
6	Булоқбоши тумани	50	0	0	0	0	50	50	100	100
7	Жалақудуқ тумани	50	0	0	0	0	50	50	100	100
8	Избоскан тумани	50	0	0	0	0	50	50	100	100
9	Улуғнор тумани	50	0	0	0	0	50	50	100	100
10	Қўрғонтепа тумани	50	0	0	0	0	50	50	100	100
11	Асака тумани	50	0	0	0	0	50	50	100	100
12	Марҳамат тумани	50	0	0	0	0	50	50	100	100
13	Олтинкўл тумани	50	0	0	0	0	50	50	100	100
14	Шаҳрихон тумани	50	0	0	0	0	50	50	100	100
15	Пахтаобод тумани	50	0	0	0	0	50	50	100	100
16	Хўжаобод тумани	50	0	0	0	0	50	50	100	100

*Мазкур иловада кўрсатилганидан ташқари қолган барча тушумлар вилоят бюджетига ўтказилади

**Давлат божлари, жарималар ва йиғимларнинг айрим турлари бўйича қонун ҳужжатларида белгиланган миқдорларда тегишли бюджетларга ажратма қилиниши мумкин

Xalq deputatlari Andijon viloyat
Kengashining
2022 yil 31 dekabrdagi
VI-45-227-1-0-K/22-son qaroriga
5-ilova

2023 йил учун туманлар ва шаҳарлар маҳаллий бюджетларининг даромадлари ва харажатлари прогнозлари

минг сўмда

№	Ҳудудлар номи	Даромадлар*	Харажатлар
	ЖАМИ	**1 523 046 893,0**	**3 941 908 136,0**
1	Хонобод шаҳри	25 610 100,0	82 036 769,0
2	Андижон шаҳри	336 795 243,0	447 867 734,0
3	Андижон тумани	111 725 000,0	300 384 758,0
4	Балиқчи тумани	82 872 170,0	249 340 347,0
5	Бўстон тумани	34 378 250,0	124 365 805,0
6	Булоқбоши тумани	63 054 570,0	189 125 220,0
7	Жалақудуқ тумани	61 744 500,0	227 255 069,0
8	Избоскан тумани	89 672 580,0	290 650 150,0
9	Улуғнор тумани	34 503 620,0	121 195 451,0
10	Қўрғонтепа тумани	98 596 820,0	281 897 295,0
11	Асака тумани	163 628 760,0	361 821 322,0
12	Марҳамат тумани	72 671 920,0	229 709 322,0
13	Олтинкўл тумани	76 420 890,0	241 158 746,0
14	Шаҳрихон тумани	117 910 860,0	349 291 616,0
15	Пахтаобод тумани	79 960 520,0	288 002 751,0
16	Хўжаобод тумани	73 501 090,0	157 805 781,0

Xalq deputatlari Andijon viloyat
Kengashining
2022 yil 31 dekabrdagi
VI-45-227-1-0-K/22-son qaroriga
6-ilova

2023 йил учун Андижон вилоятининг вилоят бюджетидан туманлар ва шаҳарлар маҳаллий бюджетларига ажратиладиган тартибга солувчи бюджетлараро трансфертлар миқдорлари

минг сўмда

№	Ҳудудлар номи	Сумма
	ЖАМИ	**2 418 861 243,0**
1	Хонобод шаҳри	56 426 669,0
2	Андижон шаҳри	111 072 491,0
3	Андижон тумани	188 659 758,0
4	Баликчи тумани	166 468 177,0
5	Бўстон тумани	89 987 555,0
6	Булоқбоши тумани	126 070 650,0
7	Жалақудуқ тумани	165 510 569,0
8	Избоскан тумани	200 977 570,0
9	Улуғнор тумани	86 691 831,0
10	Қўрғонтепа тумани	183 300 475,0
11	Асака тумани	198 192 562,0
12	Марҳамат тумани	157 037 402,0
13	Олтинкўл тумани	164 737 856,0
14	Шаҳрихон тумани	231 380 756,0
15	Пахтаобод тумани	208 042 231,0
16	Хўжаобод тумани	84 304 691,0